

Хайруллоҳ ТУРМАТОВ

ҲАЗРАТИ ЗАНГИ ОТА



Тошкент 2015

УЎК: 297.1(09)

КБК: 86.38

Т 90

Маънавиятимизнинг буюк сиймолари диний ва дунёвий билимлар ривожига қандай беназир ҳисса қўшган бўлсалар, масаввуф илми тараққиётига ҳам ўзларининг муносаб улушларини қўшганлар. Буни минтақамиздан етишиб чиққан валийуллоҳ зотлар – Абдухолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари кўплаб улуғларимиз мисолида кўришимиз мумкин.

Яссавия тариқатининг улуғ намояндаси бўлган Занги ота Ҳимматий камтарона ҳаёт кечирган бўлса-да, кўплаб одамларнинг ҳидоят топшишида, маънан юксалишида ва ахлоқий камолга етишида буюк хизматлар қилиб ўтган мутасаввиф зотdir. Үнинг кўплаб шогирд ва муридолари бўлган. Шогирдлари ҳам поклик, меҳнатсеварлик, адлу инсоф, олиҳимматлик ва ҳалолликни тарғиб этишган.

Китоб ўқувчига шундай муҳим маълумотлар билан бирга ижтимоий одоблардан ҳам сабоқ беради.

Турматов, Хайруллоҳ

Ҳазрати Занги ота /Х.Турматов; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Movarounnahr, 2015.– 40-б.

*Масбул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз МАНСУР*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1414-рақамли
хуносаси асосида нашрга тайёрланди*

ISBN 978-9943-12-332-8

© Хайруллоҳ ТУРМАТОВ
© «Movarounnahr», 2015.



رب يسر و لا تعسر رب تم بالخير

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА БҮЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР

Дунёга Ислом зиёси таралашида беназир хизмат қилган аждодларга бизларни авлод қилиб яратган Аллоҳга беҳисоб шукроналар бўлсин.

Уламоларни авлиёларни ўзларига дўст билган Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ҳамда у кишининг ахллари ва саҳобаларига чексиз салом ва саловотларимиз етсин.

Бандаларнинг руҳий тарбиялари билан машғул бўлиб, ўзларидан пурмаъно ҳикматлар қолдирган валий зотларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин.

Юртимизда истиқлол шарофати ила маънавий муҳитни соғломлаштиришга, ўтмиш маданий меросларини тиклашга, улуғ аждодларимиз қадамжоларини ободонлаштиришга катта аҳамият берила бошлади. Натижада дунё Ислом тамаддунига салмоқли ҳиссаларини қўшган уламо ва машойихларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Улардан қолган улкан маънавий меросларни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди ва бугун ҳам давом этмоқда. Муҳтарам Юртбошимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, деган пурмаъно сўзлари бор. Мана шу биргина ҳикматли сўз шарофатидан истиқлол йилларида бу буюк миллатнинг тарихида не-не зотлар бор экани маълум бўлди. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ буюк аждодларимизнинг сиймолари, тариху тавсифлари тикланди ва табаррук саналарини

муносиб нишонлаб, халқаро миқёсда катта тадбирлар ўтказила бошланди.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир¹.

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида мазкур йўналишда кўп ишлар амалга оширилди. Абу Исо Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги ва Хўжа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги ва бошқа алломаю мутафаккирларнинг табаррук саналари тўёнаси кенг миқёсда нишонланиши юртимизда имон, дину диёнат қайтадан юксалаётганлигига ёрқин далил бўлди. Бунинг сабаби, собиқ мустабид тузум даврида Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муборак масканларига эътибор йўқ эди. Бобур Мирзо ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари тупроқларда қоришиб ётган эди.

Мустақиллик шарофати билангина жамият аъзоларининг виждан эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар куриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, “...иқтисодий-ижтимоий дастур ва режаларимизнинг барчасида халқимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалалар

¹ Каримов Ислом. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Тошкент. 2009. – Б. – 77.

алоҳида устувор йўналиш сифатида кун тартибиға қўйилмоқда”².

Айниқса, Исломнинг ажралмас қисми бўлган тасаввуф борасида улкан ишлар амалга оширилди. Уламолар ва машойихлар қадамжолари обод зиёратгоҳларга айлантирилди. Уларнинг ҳаёт йўли ва илмий мерослари ўрганилиб, рисола ва адабиётлар нашр қилинди. Зеро, инсониятнинг руҳий тарбияси борасида самараали фаолият олиб борган ва катта обрў-эътибор қозонган тасаввуфнинг улуғ шайхлари ҳар доим кишиларни покликка, имон-эътиқодга ва эзгуликка чорлаб келишган.

Шундай кишилар борки, тириклик чоғида оташин қалб қўри, ҳикматга тўла сўзлари билан одамзодни энг тўғри йўлга бошлаб, жамиятни зиёга чорлаб, ўзидан кейин ўчмас из қолдириб кетадилар. Унинг ортидан эргашган инсонлар ҳеч қачон адашмаган ва адашмагайдир.

Шундай зотлардан бири яссавия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан ҳисобланган Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота)нинг шогирди ва издоши Занги ота Ҳимматий ҳазратлариридир.

Занги ота Ҳимматий камтарона ҳаёт кечирган бўлса-да, кўплаб одамларнинг ҳидоят топишида, маънан юксалишида ва ахлоқий камолга етишида буюк хизматлар қилиб ўтган мутасаввиф зотdir. Ушбу табаррук зот ҳақида сўз юритишдан олдин тасаввуф тариқати ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

² Каримов Ислом. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Тошкент. 2009. – Б. –109.

ТАСАВВУФ ТАРИХИ ВА МАҚСАДИ

Исломнинг дастлабки даврларида фикх, ақоид ва бошқа исломий илмлар каби тасаввуф илми фан сифатида алоҳида ажралиб чиқмаган эди. Ислом вужудга келган пайтда имону ирфондаги пешқадамлар, яъни саҳобалар ҳамма нарсани Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг ўзларидан ўрганар ва у зотга эргашар эдилар. Куръон оятлари, Пайғамбаримиз ҳадислари ва у зотнинг ҳолатларидан хуоса ва хукм чиқариб олган саҳобалар зикр, зоҳидлик сингари инсонни руҳий камолотга эриштирувчи амалларни ҳаётларига татбиқ қила бошладилар.

Дастлабки тасаввуфий илмлар нафсни поклаш, руҳни тарбиялаш, нафсоний ҳоҳишларни жиловлаш ва ибодатларда риёзат каби кўринишларда шаклана бошлади.

“Тасаввуф” сўзининг пайдо бўлиши, унинг маъноси хақида жуда кўп қарашлар бор. Луғат жихатидан шундай қарашлардан баъзиларини мисол қилиб ўтсак. Баъзилар, “*тасаввуф*” сўзи “*сўфий*” сўзидан олинган, “*сўфий*” эса Пайғамбаримиз даврларидаги аҳли суфлага нисбатдир, дейишади. Чунки Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг даврларида у зотнинг масжидларида суффа – супа бўлган. Унда уй-жойи йўқ камбағал ва йўқсиллар фақирона ҳаёт кечиришган. Шу ерда илм ўрганиб, тақводорлик билан яшаб ўтишган.

Яна айрим кишилар сўфийлик “*саф*” сўзидан олинган, дейишади. Ибодатда аввалги сафда турганлари боис ҳам шундай, деган фикрни илгари суришган.

Кўпчилик олимлар “*сўфий*” сўзи арабча “*сувф*”, яъни “*жун*” сўзидан олинган, дейди. Одатда кўп ибодат қилишга одатланганларнинг кийимлари жундан бўлган. Ҳатто Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг

ҳам либослари ҳақида сўз борганда: “У зот жун кийим кияр эдилар” дейишади. Тасаввуф илми билан шуғулланувчилар шу охирги фикрни қабул қилишган.

Тасаввуфнинг истилоҳий маъносida ҳам турли қарашлар юритилган ва таърифлар айтилган бўлса-да, бу таърифларнинг барчаси бири иккинчисини тўлдириб, тасаввуф ҳақида мукаммал тушунчаларни ифодалайди.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак: “Тасаввуф шундай бир илмки, унда нафснинг аҳволи – яхши ва ёмон томони, ёмонидан қутулиш, яххисини зийнатлаш йўллари, Аллоҳ ризоси томон юриш ва ундан бошқадан паноҳ сўрамаслик илмлари ўрганилади”.

Содда қилиб айтганда, тасаввуф Исломда нафс ва рух тарбиясига доир масалаларни ўргатувчи илmdir. Сўфий эса тасаввуф йўлини тутган инсондир.

И мом Суҳравардий (раҳматуллоҳи алайх) ҳақиқий сўфийни бундай таърифлайди:

“Сўфий ҳар бир нарсани жойига қўядиган, вақтлар ва ишларни илм билан тадбир қиласидиган, халқнинг риоясини ўз ўрнига қўядиган, Ҳақнинг амрини ўз жойига қўядиган, беркитилиши лозим бўлган нарсани беркитадиган, очилиши лозим бўлган нарсани очадиган ва ҳар бир ишни камоли маърифат ила, садоқату ихлос или ўз ўрнида адо этадиган шахсдир”.

Қандай гўзал таъриф...

Мана шу таъриф сўфий ким ва тасаввуф қандай йўл эканини англаб олишимиз учун етарлидир. Шунинг баробарида ёлғон даъволар билан чиқаётган бальзи бир сохта тасаввуф аҳллари тутган йўллар хатарли эканини англашимизга туртки бўлади.

Ўз вақтида саҳобалар, кейинчалик тобеинлар, табаа тобеинлар орасидан тасаввуф илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшган улуғ зотлар етишиб чиқа бошлади. Тасаввуф илми бирмунча шакллангач, руҳий тарбия устозлари ҳам етишиб чиқдилар. Уларнинг атрофларида

шогирд ва муҳлислар пайдо бўлди. Вақтлар ўтиши билан бир устоз берган руҳий тарбиянинг маънавий озуқасини ўз ҳаётига татбиқ этиб юрган кишилар жамоаси ва уларнинг алоҳида белгилари зоҳир бўла бошлаган. Руҳий тарбия олувчи кишилар жамоаси тутган йўл эса “*тариқат*” деб номланган.

Тасаввуф йўли асосан руҳий тарбия билан шуғулланади. Унинг бир қатор мақсад ва вазифалари бор. Бу йўлнинг мақсади қалбни Аллоҳдан бошқадан холи қилиш, Холиққа ихлос ила ибодат қилиш ҳамда руҳни муқаддас оламга олиб чиқишидир. Мухтасар қилиб айтганда, тасаввуфнинг олий мақсади комил имонли шахсни тарбиялашдир.

Уламолар шариат илмларини зоҳирий фикҳ, тасаввуфни эса ботиний фикҳ дейдилар. Чунки шариат амалларнинг ташқи томонига аҳамият қаратади. Уни қандай бажариш керак, қайси асосга кўра адо этиш керак ва ҳоказо...

Тасаввуф эса мазкур амалларни бажараётган вақтда кишининг руҳияти қай ҳолатда бўлиши, нималарни ҳис қилиб туриши лозимлигини ўргатади. Кўриниб турибдики, шариат зоҳирни, тариқат эса ботинни поклаш йўлидир.

Тасаввуфнинг вазифаларидан бири, сўфийга Куръон ва Суннатнинг ҳақиқатини тушуниб етиб, унга бутун қалб ва вужуд билан амал қилишни ўргатади. Натижада мукаммал адо этилган амал ижобат бўлади ва инсон икки олам саодатига ноил бўлади.

Тасаввуф инсондаги “акл”, “қалб”, “руҳ” ва “нафс” каби жиҳатларга катта эътибор қаратади. Уларга нисбатан банда қандай муносабатда бўлиши зарурлигини ўргатади. Тасаввуф инсон қалби хушёр, руҳи огоҳ, ақли расо бўлиши билан бирга нафсини жиловлаш каби зарур одоблар учун унинг идрокини мустаҳкамлайди. Бу хусусда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласиди:

«...Қасамёд этаман...

...нафс ва (У яратиб) тиклаган зотлар (инсонлар) билан.

Дарвоқе, унга (нафсга) фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам (У) илҳом қилиб қўйган. (Мазкурлар билан қасамёд этаманки) ҳақиқатан, уни (нафсни) поклаган киши нажот топур ва у (нафс)ни (гуноҳлар билан) кўмиб, хорлаган кимса эса (Аллоҳнинг раҳматидан) ноумид бўлур!» (*Шамс*, 7–10).

Тасаввуф ахлоқни сайқаллашга катта аҳамият беради. Мўмин-мусулмоннинг ахлоқи Куръони каримга, Пайғамбаримиз суннатларига мувофиқ бўлишининг йўлларини ўргатади. Бундан ташқари нафсни поклашни энг юқори ўринга кўтаради. Мўминнинг қалби ҳамиша мусаффо бўлиши, нафси ҳар хил разолат ва қабоҳатдан тоза бўлиши ва ҳар доим ақлга бўйсуниши учун курашади.

Тасаввуф инсоннинг ғафлатдан халос бўлишига, қалкўзи очилишига аҳамият қаратади. Шу боис киши барча маънавий иллатлардан холи бўлади. Унинг ичи ва таши нурга тўлади. Саодатга мушарраф бўлади.

Албатта шуни таъкидлаш лозимки, тасаввуф илмининг бош раҳнамоси Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўладилар. Шунинг учун ҳам барча тариқат силсилалари Пайғамбар (алайҳиссалом) га бориб тақалади. У зот пайғамбар ўлароқ башариятга Аллоҳнинг изни ила буюк шариат келтириш билан бирга тариқат ва ҳақиқат йўлларини кўрсатиб берганлар.

Шу ўринда авлиёларга хос бўлган каромат борасида тўхталиб ўтсак. “*Каромат*” сўзи “икром қилиш” маъносини билдиради. Пайғамбарлардан бошқа тақво аҳли ва солиҳ инсонларда содир бўлган одатдан ташқари ишлар каромат дейилади.

Аллоҳ таоло ўзига ибодат, риёзат ила яқин бўлган, ўзининг даргоҳига лойик бўлган бандаларини икром

қилиб, оддий бандалари қила олмайдиган нарсаларни улар орқали юзага чиқаради ва дуоларини қабул қилиш билан уларни мукофотлайди. Кароматлар авлиёларда зарурат юзасидан содир бўлади. Авлиёлар кароматларини баъзан ўзлари ҳам билмайдилар. Шуни алоҳида айтиш лозимки, тариқат йўлини тутиш ва бу йўлда етакчи шайх бўлишдан асосий мақсад, каромат кўрсатиш эмас, балки руҳий тарбия ила шуғулланиш ва бошқаларни тарбия қилишдан иборат.

Каромат масаласига биз аҳли сунна ва жамоа йўли бўйича эътиқод қилмоғимиз керак. Яхши билиб олишимиз лозимки, авлиёлардан қанчалик каромат зоҳир бўлмасин, ҳеч бир авлиё пайғамбарлик мартабасига эриша олмайди. Авлиёлар Аллоҳ ва унинг расулига итоат этиш билангина каромат соҳибига айланадилар. Нотўғри йўлда юрган одамдан файриодатий иш содир бўлса, бу нарса каромат эмас, балки сеҳр ёки синов бўлиши муқаррар.

Шу маънода шайх Сўфи Оллоёр (раҳматуллоҳи алайх) бундай дейдилар:

*Шариатсиз киши учса ҳавоға,
Кўнгил берманг анингдек худнамоға.*

Аҳли сунна ва жамоа эътиқодига кўра, валийларнинг кароматлари ҳақдир. Сирожиддин Ўший ҳазратлари манзумаларида бундай келтирадилар:

“Валийларнинг дунёдаги кароматлари бор ҳақиқатдир”.

Мазкур илм ҳақида хulosса қиласиган бўлсак, тасаввуф бошқа исломий илмлар қатори Қуръон ва Суннатдан олинган. Бунга жуда кўп оят ва ҳадислар далил бўлади. Ушбу далиллар билан қувватланган тасаввуф том маънодаги сунний тасаввуф деб юритилади. Мазкур тасаввуф бағрида нақшбандия, қодирия, яссавия,

кубровия, сухравардия, шозилия, мавлавия каби кўплаб тариқатлар шаклланди.

Барча исломий илмларнинг тарихий ривожланишига аҳамият берадиган бўлсангиз, гарчи улар Маккан мукаррама, Мадинаи мунаввара каби шаҳарларда вужудга келса-да, унинг камолга етиши Мовароуннаҳр, яъни Марказий Осиёда бўлганига амин бўласиз. Куръон тафсири, ҳадис, фиқх, ақида, грамматика, жўғрофия ва бошқа кўплаб фанларнинг тараққий этишида буюк аждодларимизнинг туттган ўринлари бекиёс. Бугун дунё миқёсида мазкур илмларни Бухорий, Самарқандий, Хоразмий, Насафий, Шоший, Марғиноний, Термизий каби буюк бобокалонларимиз илмий меросисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маънавиятимизнинг буюк сиймолари мазкур илмлар ривожига қандай беназир ҳисса кўшган бўлсалар, тасаввуф илми тараққиётига ҳам муносиб улушларини кўшганлар. Буни минтақамиздан етишиб чиққан валиййуллоҳ зотлар – Абдухолик Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари кўплаб улуғларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Бундай улуғ зотлар кўрсатиб берган йўлдан юрган кишиларни “валий” ёки “авлиё”, яъни Аллоҳнинг дўйстлари дейилади.

Аллоҳ таоло валийлар ҳақида бундай марҳамат қиласиди:

«Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валийлари (дўйстлари)га хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар. Улар имон келтирган ва тақволи бўлганлардир. Уларга дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам башорат (хушхабар) бордир. Аллоҳнинг сўзларида ўзгартириш йўқдир. Ана шу буюк ютуқдир» (Юнус, 62–64).

ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ ВА ЗАНГИ ОТА МАҚОМИ

Она заминимизда вужудга келган ва муносиб фаолият олиб борган яссавия, кубравия, нақшбандия каби тариқатларнинг ўзига хос услуби, одоби ва қоидалари бўлганидек, тарихий саҳифаларда ҳар бирининг алоҳида ўрни бор. Туркий халқларни имонга, Исломга, илму маърифатга чорлашда яссавийлик тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий (раҳматуллоҳи алайх) ва издошларининг хизматлари жуда бекиёсdir. Ушбу табаррук зотдан қолган улкан хазина “Девони ҳикмат” сабабидан жуда кўплаб диёрлар Ислом ва ирфондан баҳраманд бўлди. Бутунги кунда ҳам мазкур “Девон” муносиб аҳамиятга эга. Ундаги ҳар бир байт кишини руҳий покликка, ахлоқий комилликка ва инсоний фазилатларга тарғиб қиласи. Асар дунёning бир неча тилларига таржима қилингани барчага маълум. Юсуф Ҳамадонийнинг издошларидан бири бўлган Яссавий ҳазратлари жуда кўп шогирдлар ва издошлар қолдирди. Яссавийлик тариқати шайхлари асрлар давомида туркий халқлар учун руҳий таянч ва файзу барака булоғи бўлиб келган.

Тасаввуфга тааллуқли бўлган муршид, пир, шайх, эшон, солик, мурид каби сўзлар бор. “Муршид” – тўғрийўл кўрсатувчи, йўл бошловчи дегани бўлса, пир – (тожикча) кекса, қария дегани бўлиб, шогирдларга сабоқ берувчи шайх маъносидадир. Солик (арабча) – тўғрийўлда юрувчи, тариқатни ихтиёр қилган кишига нисбатан ишлатилади. Мурид эса эргашувчи, шогирд дегани бўлиб, тариқат йўлини хоҳловчи кишидир.

Яссавийлик тариқатининг ўзига хос услуб ва одоблари бор. Ушбу тариқатда шайхлик ва муқтадолик масаласида олти шарт жорий қилинган:

1. Илми дин ва яқин
2. Ҳилму мубийину матийн
3. Сабри жамил
4. Ризои Жалил
5. Ихлоси Халил
6. Қурбу жазил.

Бундан кўринади, тариқатдаги биринчи шарт дин ва шариат илмини яхши билмоқлиkdir.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари ҳикматларидан бирида:

*Тариқатга шариатсиз киргандарни
Шайтон лаъин имонини олар эмиш,*

деб аввал шариат илмини эгаллаб, ундан кейин тариқат йўлини тутиш лозимлигини уқтиради.

Яссавийлик тариқатидаги муриддан қуйидаги хислатлар талаб этилади:

- заковатли ва идрокли бўлиши, шайхнинг ишора ва рамзларини тушуниши;
- шайхнинг ҳар бир сўзига ишониб, ундан содир бўлган барча ишга розилик кўзи билан қарashi;
- шайхнинг барча хизматларини чаққонлик билан бажариши;
- сўзида содиқ, дилида соғлом бўлиб, ҳеч қачон шакшубҳага бормаслиги;
- вафоли бўлиб, ўз аҳдида туриши;
- шайхининг барча сирларини сақлаб, ҳеч кимга фош этмаслиги;
- шайхининг барча панду насиҳатларини ёдда сақлаши, ҳеч қачон уларни унутмаслиги ва ҳоказо.

Яссавийлик тариқатининг тараққий этишида Занги отанинг тутган ўрни беназирдир. Занги отанинг асл исми Ойхўжа ибн Тожхўжадир. Тожхўжанинг отаси Абдулмалик бўлиб, у зот пиру муршиidlари Мансур ота орқали Хожа Аҳмад Яссавийга бориб тақалади. Занги отанинг оталари Тожхўжа ҳам Аҳмад Яссавий

(раҳматуллоҳи алайҳ)нинг хизматларида бўлиб, у кишидан маънавий кўп файз олган. Тожхўжа ҳижрий 615 (милодий 1218) санада вафот этган. Ойхўжа ибн Тожхўжага Занги ота деб нисбат берилиши, у кишининг ташқи кўриниши қорамағиз бўлгани боисдир.

Кароматлар ва юксак ҳиммат соҳиби бўлган Занги ота асли араб наслидандир. Бу зот ҳақларида ҳазрат Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат” асарида бундай таъриф келтиради: “Туркистон машойихидинdur ва кўп машойих хизмату суҳбатига етибдур. Ва турк улусида машоҳирлардинdur. Анинг бобида ҳам кўп сўзлар манқулдур”.

ЗАНГИ ОТАНИНГ НАСАБНОМАСИ

Занги ота зиёратгоҳи атрофида яшовчи Жалолиддинхўжа Ҳошимов (Умархўжаев)нинг қўлида милодий 1237 йили ёзилган Занги отага таалуқли насабнома сақланган экан. Йиллар давомида мазкур насабнома бир оз уринган бўлса-да, унинг катта қисмини ўрганиш имкони мавжуд бўлиб, манбада қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, “Дар баёни насиби Арслонбоб” саҳифасида бундай келтирилади:

“Аларни ўғиллари Шайх Мансур, аларни ўғиллари Абдулмаликхўжа, аларни ўғиллари Тожхўжа, аларнинг ўғли Ойхўжа³. Бу – Кутбул актоб⁴ Шоҳ Занги бобо раҳматуллоҳи алайҳи⁵ қуддиса сирраҳу ал-азиз⁶.

Аларнинг бир қизлари бор эрди, Биби Қорасоч Ойим⁷, асли отлари Ойжон Ойим эрди” (1-иловага қаранг).

³ Занги отанинг асл исми.

⁴ Кутблар кутби.

⁵ Дуо, яъни унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

⁶ Дуо, яъни Аллоҳ унинг руҳини покласин!

⁷ Занги ота ҳамда Анбар оналарнинг кизи.

1-илюса.



Мазкур насабномада Арслонбоб наслига мансуб бўлган бу зотнинг тариқатдаги “Қутбул ақтоб”, яъни “қутблар қутби” деган буюк мақом соҳиби эканликлари маълум бўлади. Қутб – тасаввуфда энг олий, энг юқори даражага эришган авлиёга бериладиган атама, унвон. Булар кўпчиликни ташкил этади. Ҳар бир тоифа авлиёларнинг раҳбари ўша тоифа авлиёларнинг қутби саналади. Бундан кўринади, ҳазрат Занги ота ўз даврида валийларнинг валийи бўлган экан. Насабномада у зотнинг “Шоҳ Занги бобо” деб аталиши ҳам валийлар орасида юксак мартабада бўлганларига ишорадир.

Ўз навбатида Занги отанинг бобокалони (Мансур отанинг падари бузруквори) – Арслонбоб, Хожа Аҳмад Яссавийнинг биринчи пири ва аждоди ҳисобланган. Занги отанинг ўзлари Аҳмад Яссавийнинг халифаси (ўринбосари) бўлган шоир Сулаймон Боқирғонийнинг (1186 й. вафот этган) муриди (шогирди) ҳисобланадилар.

ЗАНГИ ОТА ҲИММАТИЙ ТАВАЛЛУДЛАРИ

Хозирча манбалардан Занги отанинг туғилган юлини топилгани йўқ. Лекин у киши ҳақида ёзилган маълумотларга асосланиб, XII асрнинг охири ёки XIII асрнинг бошларида туғилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Занги ота Ҳимматий таваллудлари ҳақида кўплаб ривоятлар мавжуд. Шулардан бирида нақл қилинишича, Занги ота туғилганларидан сўнг ул зотнинг ота-оналари чақалоқни ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий хузурларига олиб борганлар. Суҳбат асносида Хожа Аҳмад ҳазратларининг нигоҳлари чақалоқка тушади. Гўдак эса чақалоқларга хос табассум билан ҳазратга қараб турарди.

Ҳазрат Аҳмад Яссавий илтифот назари билан ота-оналарига боқиб: “Нечунким, фарзанди аржумандингиз кулиб турадур?” дея сўрайди.

Чақалоқнинг отаси: “Ҳазратимнинг бирор нарса ҳадя қилмаганлари боис табассум қилиб турадур”, деб жавоб беради. Шунда Ҳожа Аҳмад Яссавий чақалоқ ҳақига: “Ҳар бир эзгулик аввал сизга, сўнгра бизга бўлсин, Аллоҳу акбар!” деб дуо қилган экан.

Занги отанинг асли ватани Шош (Тошкент) вилояти бўлиб, Тошкент билан Эски Қовунчи қишлоғи оралиғидаги “Занги ота” номли қишлоқдир.

Занги отанинг туғилган жойи ҳозирги Тошкент шаҳрининг Самарқанд Дарвоза кўчасидаги “Занги ота” маҳалласидир, деган фикрлар ҳам бор. Шунинг учун бўлса керак, қўлёзма асарларда Бешёғоч даҳаси Занги ота номи билан юритилади.

Занги ота “Ҳимматий” лақаби билан ҳам машхур эдилар. У зот бағрикенг, саховатпеша, ўз даврида хайру эҳсон борасида тенгсиз бўлганлари учун ҳам одамлар у кишини ҳиммат соҳиби, деб аташган. Кўриниш жиҳатидан у киши қорача, бақувват, барваста киши бўлган.

Занги ота Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Хурсон халқлари орасида ҳам машхур бўлган. Ёшлик пайтларидан оталари Тожхўжа ҳузурида таълим ва одоб ўрганади. Отаси вафотидан кейин Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг тўртинчи издоши Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) ҳузурига бориб, бир неча йил у кишининг хизматларида бўлади. Йиллар давомида яссавия тариқатининг сирлари ва одобларини ўрганиб, ўзларида зоҳирий ва ботиний илмлар ҳосил қиласди. Ҳаким ота ҳузурида тасаввуфий илмлардан баҳра олиб, маънавий комилликка етган Занги ота ватани Шошга қайтади. Юритида улуғ мутасаввифларни вояга етказади.

ЗАНГИ ОТА ЯШАГАН ДАВР

Занги отанинг ҳаёти ва фаолияти Мовароуннахрда мўғул истилочилари томонидан олиб борилган вайронагарчиликлар, қабоҳату разолатлар кечеётган даврга тўғри келади. Мўғуллар Мовароуннахрнинг катта-катта шахарларига ўт қўйиб, харобага айлантирилар. Шундай таҳликали ва шиддатли даврларда Занги ота яқин издоши ва шогирдлари билан яссавийлик тариқати силсиласининг буюк пири Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ҳикматларини одамларга етказиб, ҳалқни қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, адлу инсоф, поклик, яхшилик, тўғрилик, меҳр-шафқат, художўйлик, сабру бардош каби гўзал фазилатлар эгаси бўлишга чорлаб, кишиларга руҳий тетиклик улашиб турдилар.

Занги отанинг устозлари Сулаймон Боқирғонийни ҳам эл ҳамиша ардоқлаб келади. Чунки у зот доимо аждодларимизга “ақли комил” ва “маърифати шомил”, “қаноати тамом”, “шукронай неъмати илоҳий”дан таълим ўргатган тасаввуфий шоир бўлгани учун ҳам қадрланган. У зот “лутфу мурувват”, “иззате мутавозеъ”, “ахлоқи ҳамида” ва “сидқу садоқат”ни улуғлаганлиги сабабли асрлар давомида эл меҳрини қозонган⁸.

ВАТАНПАРVARЛИК

*Нафсим айтур, бу дунёning мулкин бўлса,
Хитой, Қирғиз, Қипчоқ, Ҳиндистонни олса.
Оғибон Чин, олтун, кумуш танлик қўлсан,
Бахт этса, бир ганж тузиб етойин дер.*

⁸ Сулаймон Бокирғоний. “Бокирғон китоби”, Шеърлар ва достон/Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари: Иброҳим Ҳақкул, Сайфиддин Рағбиддин. – Тошкент. “Ёзувчи”. 1991. – Б. – 4.

*Руҳим айтур, дин ишин яхши қилиб,
Эзгу, ёвуз жумласини Раббдин билиб.
Тунлар бўлса, тоат бирла ўро туриб,
Кундуз бўлса, савму солат ўтойин дер.*

ИЛМУ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК

*Нафсим айтур, бу беш кунлик тирикликка,
Бу дунёда боғу бўстон этойин дер.
Ул бўстонларга солну-солну кирибон,
Текма ёзда турлук мева тотойин дер.*

*Руҳим айтур, шариатнинг илмин билиб,
Илм бирла тариқатнинг йўлин билиб.
Саҳар вақти уйғоқлиқни одат қилиб,
Ўн беш ёшдин қолмии намоз ўтойин дер⁹.*

ҲАЛОЛЛИК

*Нафсим айтур, яхши билинг касбим ишин,
На қилурман емак-ичмак, ёзу қишин.
Текма бир эр кишиларнинг кўрсам ишин,
Ҳалол-ҳаром емишингни ютойин дер.*

*Руҳим айтур, кошки Ҳақдин тавфиқ бўлсам,
Туни куни тинмайин ёдин айтсам.
Қисматимдин ортуқ таом емас бўлсам,
Бу дунёни йиғиб-териб нетойин дер¹⁰.*

⁹ Сулаймон Боқирғоний. “Боқирғон китоби”, Шеърлар ва достон/Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари: Иброҳим Ҳаққул, Сайфиддин Рафъиддин. – Тошкент. “Ёзувчи”. 1991. – Б. – 4.

¹⁰ Ўша манба

АДЛУ ИНСОФ

*Нафсим айтур, садр ёнинда ўлтурубон,
Турлук, турлук небматларни келтурубон.
Ейиб-ичиб, туну кун тўлдириубон,
Ёстук узра такя қилиб ётойин дер.*

*Руҳим айтур, туну куну қатланубон,
Ҳақ Мавлим ризосин тилоюбон.
Қул Сулаймон ишқ отига отланубон,
Узоқ кечмиши эранларга етойин дер.*

ХУДОЖЎЙЛИК

*Саҳарда уйғонубон зикр айғил,
Ўлумни фикр этибон кўнгил тиргил.
Қоронғи гўринг ичра чароғ этгил,
Чироғинг намоз туурп, қилмасмусан!*

МОЛ-ДУНЁГА БЕРИЛМАСЛИК

*Нафсим айтур, катон кийгил ёйлиқингда,
Тулки қорсоқ, ачуқ кийгил қишилиқингда.
Оси-жофи бухурмасак ўқинамда,
Бу дунёда улуғ отни отойин дер.*

*Руҳим айтур, кечмиши ишга надам еюбон,
Тавба суйи бирла ёзук кирин ююбон.
Мұхаббат камарин белга боғлабон,
Бу дунёга талоқ бериб кетойин дер.*

Мазкур тариқатнинг улуғ намояндаси бўлган Занги отанинг кўплаб шогирд ва муридлари бўлган. Шогирдлардан тўрт нафари Занги отанинг ҳақиқий издоши мақомига қўтарилган. Улар Узун Ҳасан ота,

Саййид ота, Садр (Садриддин) ота ва Бадр (Бадриддин) оталардир. Ушбу зотлар ҳам Занги ота сингари халойиқни поклик, меҳнатсеварлик, адлу инсоф, олиҳимматлик ва ҳалоллик каби сифатларга даъват этишган.

Бундан ташқари Исмоил ота, Исҳоқ ота, Алмамин бобо, Шайх Али, Мавдуд Шайх, Камол Шайх, Ходим Шайх, Жамол Шоший, Ҳасан ибн Жамол, Шайх Паҳлавон, Шайх Жамол Бухорий, Шайх Сулаймон Ғазнавий, Шайх Ҳудойдод, Шайх Матин, Шайх Қосим Карминий, Ҳазиний каби йирик атоқли мутасаввиф зотлар ҳам Занги ота силсиласига мансубдир.

Мӯғуллар истилоси даврида кишиларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, илму дониш ва маърифатпарварликка тарғиб этишда давом этганлар, ҳатто ўзга дин – шомонизм вакиллари – мӯғул ҳукмдорларини ҳам Ислом динига тарғибу ташвиқ этишлари боис, уларнинг Ислом динига киришларига мушарраф бўлган. Шу тариқа қурол кучи билан енгилмаган душман Ислом дини тарғиботи ва ташвиқоти, инсонпарвар маърифати, юксак маънавияти – енгилмас кучи воситасида дўстга айлантирилган экан.

Занги отанинг бу каби мутафаккирона хизматлари натижасида мӯғуллар аста-секин мусулмончиликни қабул қилишгани кун сайин ерли аҳолига тазииклари камая боргани тарихий манбаларда қайд этилган.

Ерли аҳоли ва мӯғуллар эндилиқда бир-бирига тишқайраган душманлар эмас, балки дини бир, илоҳи бир кишилар сифатида ўзаро қуда-анда, қавм-қариндош бўла бошлаган. Бу Занги ота Ҳимматийнинг одам ақли бовар этмаган, инсоният тарихида бурилиш ясаган буюк хизматларидир. Мустамлакачилар, мустамлака қилинган юрт динини қабул қилиши мисли кўрилмаган тарихий ҳақиқатдир. Бундай муваффақиятга инсоният фақатгина Занги ота каби ватанпарварлар сабабли эришган.

Маълумки, тасаввуф йўлидаги кишилар ўз нафслари тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, камтарин ва хокисорлик сингари гўзал ахлоқ билан хулқланишган ҳолда дабдабаю шухратпастлиқдан қочиб, ботинларини зийнатлашга машғул бўлишган. Ўзларининг авлиё эканини ва Аллоҳ таоло томонидан инъом этилган кароматларни ҳеч кимга ошкор этишмаган.

Занги ота факирона ва дарвешона ҳаёт кечиради. Одамларнинг чорваларини боқиб, шу асосда рўзгор тебратган. Адирларда чорвани ўтлатар экан, ибодат, Қуръон тиловати ва зикр билан машғул бўлган. Яссавийлик тариқатига кўра, у киши зикрни жаҳрий равища амалга оширган.

Кунларнинг бирида устози Ҳаким отанинг вафти ҳақидаги хабарни эшишиб, Тошкентдан Хоразмга боради. Ҳаким отанинг қабрини зиёрат этиб, ҳақларига кўп дуолар қиласди. Бир муддат турганидан сўнг Ҳаким отанинг беваси Анбар онага совчи қўяди. Бу воқеа Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айнул ҳаёт” асарида батафсил баён қилинган.

Хулоса шуки, Занги ота Анбар онани никоҳига олиб, Тошкентга қайтади. Юқорида таъкидланганидек, уларнинг никоҳларидан Қорасоч исмли қиз туғилган.

Занги отанинг қабри Тошкент яқинидаги ҳозирда ўзининг номи билан аталувчи қишлоқда жойлашган.

Ўз вақтида Амир Темур ҳам Занги отага катта эътибор қаратган.

Амир Темур томонидан Занги ота мақбарасининг қурилиши ҳақида халқ орасида бир қанча ривоятлар бор. Нақл қилинишича, Амир Темур Туркистонга бориб, Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилгач, бу улуғвор пири комилнинг қабри устига мақбара қуришга фармон беради. Шоҳ амри вожиб бўлиб, тез фурсатда қурилиш ишлари бошланиб кетади. Мақбара пойдевори устида девор қад кўтаради.

Эртаси эрталаб уста-мардикорлар уйқудан турганларида не кўз билан кўрсинларки, кечагина қад кўтарган девор ағдарилиб, ғиштлар ҳар томонда сочилиб ётарди. Бу ҳолатдан ҳамма ҳайрон, ҳайратдан ёқа ушлашади. Наҳотки ғишт теришда хатога йўл қўйилган бўлса?..

Уста-мардикорлар яна ишга киришиб, деворни қайтадан тиклайдилар. Аммо эртасига яна ўша аҳвол такрорланади. Не мashaққату моҳирлик билан кўтарилигандан девор тунда қулайверади. Ниҳоят, кечаси пойлоқчи қоровуллар қўйилади. Улар тун бўйи мижжа қоқмай, ухламай пойлашади. Ярим тунда баҳайбат кўк ҳўқиз келиб деворни бузиб, сўнг ўзи ғойиб бўлади. Хеч ким уни ушлай олмайди.

Бу воқеадан Амир Темур воқиф бўлгач, ҳайратга тушади ва бунда бирор сир бўлса керак, албатта, аниқлаш лозим, деган фикрга келади. Шу воқеадан сўнг Амир Темур туш кўради. Тушида эгнига узун оқ яктак кийган, бошига оқ салла ўраган, узун оқ соқоли кўкрагига тушган нуроний қария Амир Темурга яқин келиб: “Эй Амир! Мақбарани аввал Занги отага қургин, сўнгра Хожа Аҳмад Яссавийга қурасан. Шунда у бузилмайди. Зоро, Занги ота туғилгач, Хожа Аҳмад Яссавийга кўрсатишган ва у зотдан суюнчи сўрашган. Ўшанда ул зот суюнчига: “Ҳар бир эзгулик аввал сизга, сўнгра бизга бўлсин, Аллоҳу акбар!” деб ҳиммат қилганлар. Занги отанинг қабрини топиш қийин эмас. Бунинг учун бир оқ тuya олиб, яхши ният билан қўйиб юборасизлар-да, унинг ортидан кузатиб борасизлар. У албатта, Занги отанинг қабрини топиб беради”, деб кўздан ғойиб бўлади.

Амир Темур тушидаги ғойибона сухбатдан ҳайратланиб, эртасига ёқ оқ тuya топтириб, уни йўлга солдириб, орқасидан тўрт-беш нафар одамни кузатувчи қилиб жўнатади. Оқ тuya бир неча кун йўл босиб, ҳозирги

Занги ота қишлоғига етиб келади. Шу ерга етганды түя таққа түхтайди. Сүнгра йўлдан бир оз четроқ чиқиб, тиз чўқади ва у ёқ-бу ёққа аланглайди. Кузатувчилардан бири тезда отдан тушади-да, түянинг атрофини қамчи билан чизиб белгилайди. Айтишларича, шу белгиланган жойга дарвозахона (жиловхона) қурилган экан. Ушбу дарвозахона яқин кунларгача бор бўлиб, Занги отани зиёрат қилувчилар шу дарвозахонадан ўтишган.

Туя шу чўкканича ўрнидан турмай, ўрмалаб юқори томон кўзғала беради. Кузатувчилар унинг ҳар бир ҳаракатига диққат билан қараб боришади. Туя юз одимча ўрмалаб бориб түхтайди. Бошини қибла томонга кўйиб, оёқларини чўзиб, бир наъра тортиб, жон беради. Кузатувчилар туя ётган жойни чизиб белгилашади. Занги отанинг қабри шу ер бўлса керак, деган фикрга келишади. Бўлган воқеани тезда Амир Темурга етказишиади. Амир Темур Занги ота мақбарасини зудлик билан қуришга фармон беради. Аскарлар мақбаранинг гишини Самарқанддан туриб қўлма-қўл узатишган экан.

Занги ота мақбараси қуриб битказилгач, Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини қуришга фармон берган.

Шундай қилиб, Занги отанинг қабри тепасидаги мақбарани соҳибқирон Амир Темур қурдирган. Кейинчалик Мирзо Улуғбек 1420 йиллари мақбаранинг тепасига пештоқ бино қилдирган.

XVII асрда унинг атрофида мадраса, жоме масжид, XIX аср охирида эса зиёратгоҳ ҳовлисига мезана (минора) барпо этилган.

Мақбара ва шу ерда жойлашган масжид деворларига Қуръон оятлари, ҳадислар чиройли ҳусниҳат ила битилган. Мақбара пештоқига Бақара сурасининг 115-оятининг бош қисми ва Оли Имрон сурасининг 104-ояти битилган:

﴿ وَلِلَّهِ الْمَسْرِقُ وَالْمَغْرِبُ فَإِنَّمَا تُولُوا فَيْثَمَ وَجْهُ اللَّهِ ﴾

Маъноси: «Машриқ ҳам, магриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг “юзи” мавжуддир».

﴿ وَلَتَكُن مِّنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴾ ١٤

Маъноси: «Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва нахийи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир».

Пештоқнинг чап томонига эса Наҳл сурасининг 90-ояти ёзиб қўйилган:

﴿ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَاءِ ذِي الْقُرْبَاءِ وَيَنْهَا عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴾ ٦٠

Маъноси: «Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур».

Занги ота мақбараси кириш эшигининг тепа қисмига қудсий ҳадис ёзиб қўйилган:

وَ إِنْ بُيُوتَى فِي أَرْضِي الْمَسَاجِدُ وَ إِنْ زُوْارِي فِيهَا عُمَارُهَا فَطُوبِي لِعَبْدٍ طَهُرَ فِي بَيْتِهِ ثُمَّ زَارَنِي فِي بَيْتِي فَحَقٌ عَلَى الْمَزُورِ أَنْ يُكْرِمَ زَائِرَهُ

Маъноси: “Менинг заминимдаги уйларим масжидлардир. Менинг зиёратчиларим эса уни обод қилувчилардир. Ўз уйида таҳорат қилиб, сўнгра Мени уйимда зиёрат қилган бандага яхшилик бўлсин. Зиёрат қилувчини зиёрат қилинувчи икром қилмоғи ҳақдир”.

Мақбара хонақоҳидаги гумбаз айланасига муборак Ёсин сураси тўлалигича битилган:

Жумладан, янги масжид пештоқининг тепа қисмига Жума сурасининг 10-ояти хаттотлиқ санъати ила битилган:

﴿فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَأَنْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَأَذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ فُلُّحُونَ ﴾ ١٠

Яъни: «Бас, қачонки, намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз».

Масжид меҳроби айланасига эса Фотиха сураси тўлалигича ёзилган.

Мақбара ортидаги қабристонда у зотнинг жуфти ҳалоллари Анбар онанинг ҳам мақбаралари бор.

Анбар онанинг оқила, тадбирли ва зукко аёл бўлганлари ҳақида кўплаб ривоятлар бугунгача етиб келган. Мутахассисларнинг ўрганишларича, Анбар онанинг қабрлари ёнида яна бир қабр жойлашган бўлиб, унга Занги отанинг пири комиллари Сулаймон Боқирғоний ҳазратларининг оналари Улуғ Пошшо она дағн этилган.

Манбаларда қайд этилишича, ўз даврида Улуғ Пошшо она келинлари Анбар онадан жуда катта меҳр ва эҳтиром кўради. Шунинг учун у кишини излаб Тошкентга келади. Умрининг охиригача келинидан иззат кўрган ҳолда яшаб, шу ерда вафот этади ва шу

ерга дағн этилади. Ушбу маълумот қанчалик түғри ёки нотуғрилиги номаълум, аммо нима бўлган тақдирда ҳам қайнона-келиннинг қабрлари қўшни бўлиши катта маъно англатади. Айниқса, бугунги кунда оилавий-ижтимоий муаммолар урчиган бир пайтда ушбу муҳтарама аёлларнинг ўзаро илиқ муносабати қайноналар ва келинлар учун жуда катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қиласди.

Анбар она мақбарасининг пештоқига Фофир сурасининг 40-ояти битилган:

﴿ مَنْ عَمِلَ سَيِّئَةً فَلَا يُجْزَى إِلَّا مِثْلَهَا وَمَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ بِرَزْقٍ فِيهَا بِغْيَرِ حَسَابٍ ﴾ ٤٠

Маъноси: «Кимки бирор ёмонлик қиласа, унга (охиратда ўша ёмонлиги) баробарида гина жазо берилур. Эркакми, аёлми – кимки мўминлик ҳолида бирор яхшилик қиласа, айнан ўшалар жаннатга дохил бўлурлар. У жойда уларга беҳисоб ризқ берилур».

Мақбара ичидағи гумбаз айланасига Аҳзоб сурасининг 35-ояти ёзилган:

﴿ إِنَّ الْمُسَلِّمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمَنَاتِ وَالْقَنِينَ وَالْقَنِينَاتِ وَالصَّدِيقِينَ وَالصَّدِيقَاتِ وَالصَّابِرِينَ وَالصَّابِرَاتِ وَالْخَشِعِينَ وَالْخَشِعَاتِ وَالْمُتَصَدِّقِينَ وَالْمُتَصَدِّقَاتِ وَالصَّابِرِيْمِينَ وَالصَّابِرِيْمَاتِ وَالْحَفِظِينَ فُرُوجَهُمْ وَالْحَفِظَاتِ وَالذَّكَرِيْرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّكَرَاتِ أَعَدَ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيْمًا ﴾ ٣٥

Маъноси: «Албатта, муслим ва муслиматар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақловчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандир».

Ушбу зиёратгоҳ қадимдан зиёратчилар билан гавжум бўлган. Мустабид тузум даврида масжид-мадрасалар, зиёратгоҳлар таъқибга учради. Маълумотларга қараганда, 1930 йилда Занги ота зиёратгоҳидаги жоме масжид ёпиб қўйилди. 1945-1946 йиллари бир муддат очилиб, сўнг яна ёпиб қўйилди. Зиёратгоҳ ташландик ҳолга келтирилиб, оёқости қилинди. Дастлаб омборхона, кейинчалик атеистик музей ва бошқа турли мақсадларда ишлатилди.

Ниҳоят аждодлар орзу қилган ёруғ кунлар келди. Юртимиз мустақил бўлди. Жаннатмакон диёrimиз осмонида истиқлол қуёши заррин нурларини соча бошлади. Буюк миллат кўксига шамол, елкасига қуёш тегди. Бебаҳо миллий ва диний қадриятларимиз тикланди. Буюк аждодларимиз хотираси, уларнинг сермазмун тарихлари, улар қолдирган улкан маънавий мерослар тикланди. Айникса, динимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Виждон эркинлигини таъминловчи қонунлар қабул қилинди. Мустақиллик йилларида халқимиз ўзининг ўзлигини, яъни кимларга авлод эканини англай бошлади, кимлигини билди. Халқимиз бу юрт тупроғи дунёга Ислом, имон, ирфон, маърифат уругини сочган буюк зотларнинг муқаддас

ватани эканини англаб етди. Яратганинг каломи бўлмиш Қуръони карим маъноларини ўз она тилида ўқийдиган бўлди. Аждодларимиз қолдирган буюк маънавий меросларни ўрганиб, тадқиқ этиш ва давом эттириш имкони кўлга киритилди. Истиқлол туфайли улуғ зотларнинг хоки пойлари, қадамжолари тикланиб, ободонлаштирилди, зиёратгоҳларга айлантирилди. Буни Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий, Абдухолик Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби табаррук зотларнинг кўним топган марқадлари мисолида кўриш мумкин.

Занги ота зиёратгоҳи ҳам шулар жумласидан бўлиб, истиқлолнинг дастлабки йилларида бу ерда ҳам бир мунча ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 2010 йилда вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги ташаббуси ҳамда саховатли инсонлар кўмагида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. 2013 йил 20 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 322-сонли қарори билан зиёратгоҳ ва унга туташ ҳудудларда янги лойиха асосида жуда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, зиёратгоҳ ҳудуди кенгайтирилди, Занги ота ҳамда Анбар она мақбараларининг ичи ва ташқи кўриниши янгидан таъмирланди, минг ўринли янги жоме масжид биноси, 31 метрли минора, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги биноси, барча шароитларга эга таҳоратхона билан бирга зиёратчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида қўшимча хизмат хоналари, чойхона, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари учун савдо расталари, новвойхона, күшхона, автотураргоҳлар бунёд этилди. Занги ота зиёратгоҳи гўзал ва кенг мажмуага айланди.

ҚАБРИСТОННИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ

Қабристон – инсоннинг сўнгги оромгоҳи, сўнгги манзили. Муқаддас динимизда қабрларни зиёрат қилишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари ва одоблари ишлаб чиқилган.

Бурайда (розияллоҳу анху) айтади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Сизларни қабрлар зиёратидан қайтарган эдим, энди уларни зиёрат қиласкеринглар” (*Имом Муслим ривояти*).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анху) ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Сизларни қабрлар зиёратидан қайтарган эдим, аммо энди зиёрат қиласкеринглар. Албатта, қабрларни зиёрат қилиш қалбни юмшатади, кўзга ёш келтиради, охиратни эслатади, лекин у ерда фахш сўзларни сўзламанг!” (*Ҳоким ривояти*).

Демак, ушбу икки ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даставвал қабрларни зиёрат қилишдан одамларни қайтарганликлари маълум бўлмоқда. Аммо вақт ўтиши билан мўмин-мусулмонларнинг имони мустаҳкамланиб, қабристонни зиёрат қилишга руҳан ва маънан тайёр бўлганларидан сўнг бу ишга ундамоқдалар. Қабристон зиёрати кишининг қалбини юмшатишини, охиратни эслатиб, тирикларнинг қадрини билишга ўргатишини таъкидламоқдалар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) айтади: “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оналарининг қабрини зиёрат қилдилар ва йиғладилар, атрофидагилар ҳам йиғлади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Онам учун истиғфор айтишга Рabbимдан изн сўрадим, изн бермади, сўнгра қабрини зиёрат қилишга

изн сўрадим, изн берди. Қабрларни зиёрат қилинглар, албатта, бу ўлимни эслатади” (*Имом Муслим ривояти*).

Ушбу ҳадис бизга Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оналарининг қабрини зиёрат қилиш учун Аллоҳдан изн сўраганлари ва бу тилаклари амалга ошганини билдиради.

Яна кўплаб ҳадисларда қабристон зиёратининг одоблари баён қилиб берилган. Бу ҳадисларнинг мазмуни билан таниш бўлиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун ўта фойдалидир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабристонга чиқдилар ва шундай дедилар: “Ассалому алайкум, мўмин ва мусулмонлар! Албатта, Худо хоҳласа, биз ҳам сизларнинг орtingиздан борамиз” (*Имом Муслим ривояти*).

Ушбу ҳадисдан, қабристонга кирганда қабр аҳлига салом берган ҳолда уларнинг ҳақига дуо йўллаш Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларидан экани маълум бўлади.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиласидилар: “Сизлардан бирортангиз чўғ устига ўтириб, у кийимини кўйдириб, терисига етиб боргани, қабрнинг устига ўтирганидан яхшироқдир” (*Имом Муслим ривояти*).

Демак, қабристонга кирган киши ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиши лозим. Қабрларни босмаслик, уларнинг устига ўтирмаслик керак.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлар: “Маййитнинг суягини синдириш, уни тириклигида синдирган билан баробар” (*Абу Довуд, Ибн Можа, Имом Аҳмад ва бошқалар*).

Ушбу ҳадисдан шундай хулоса қилиш мумкинки, мусулмон кишининг маййитига ҳам худди тирикли-

гидаги каби ҳурмат кўрсатилмоғи лозим. Унга озор бермаслик керак. Масалан, айнан қабрлар устига дараҳт экилса, уларнинг томири қабр ичига кириб, маййитга тегиши мумкин. Бу эса маййитга озор бериш ҳисобланади. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадислари орқали қабр устига дараҳт ёки шунга ўхшаш нарсалар экишдан қайтармоқдалар. Махсус жойлар ёки йўлакларга экилса, маййитлар учун фойдали ҳисобланади.

Яна бир ҳадиси шарифда келтирилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Усмон ибн Мазъун (розияллоҳу анху) дафн қилинганларидан сўнг қабр устига кичик тош қўйдилар ва дедилар: “Бу билан биродаримнинг қабрини биламан ва ёнига унинг аҳлидан ким вафот қилса, қўяман” (*Байҳақий ривояти*).

Демак, ушбу ҳадисдан, қабрни бошқа қабрлардан фарқлаш учун устига кичик тош ёки шунга ўхшаган белги қўйиш мумкинлиги англашилади. Аммо катта харажатлар эвазига дабдабали кўринишдаги қимматбаҳо тошлар ёки ғайридинлар сингари турли безаклар бериш мумкин эмас.

Кўриб ўтганимиздек, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабристон зиёрати, унинг ҳикмат ва одобларини гўзал тарзда ўргатиб кетганлар. Ушбу ҳадислардан қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

1. Қабристонга кирилганда қабрдаги мусулмонларга салом бериш ва уларнинг ҳақига дуо қилиш одобдандир.

2. Қабр устига ўтираслик, устини босмаслик шарт, қабристонда эҳтиёткорлик билан юриш лозим.

3. Зиёратчи қабристонда кибрни тарк этган ҳолда хокисорлик ва тавозеъ билан қадам босиши ва зебу зийнатларсиз кийинган бўлиши керак.

4. Қабристонда фаҳш сўзларни, дунёвий гапларни сўзламаслик керак. Шунингдек, қабристон ҳудудида

чекиши, овозни баланд күтариш, кимнингдир дилини оғритиш мумкин эмас.

5. Қабрларни сабабсиз кавламаслик керак, аммо тасбех айтишдан тўхтаган, яъни, қуриб қолган бегона бута, ўт-ўланлардан қабрларни тозалаш мумкин.

Қабрларни улуғлаб, у ерда қилинадиган ибодатларнинг савоби кўп деб ҳисоблаш ёки шунга ишониш, қабристон ичида қурбонликлар сўйиш ёки назр қилиш хато амаллардандир. Чунки қурбонлик ҳам, намоз ҳам, бошқа ибодатлар ҳам фақат Аллоҳга қилинади. Уни қабристондаги марҳумларга нисбатан амалга ошириш ширкнинг бир кўринишидир. Мазкур амалларни қабристон атрофидаги маҳсус жойларда қилиш мақсадга мувофиқдир.

Баъзи одамларнинг, айниқса, аёлларнинг қабр зиёратига келганда ножоиз хатти-харакатларига ҳам гувоҳ бўлиб қоламиз. Қабрларни тавоғ қилиш ёки уларга суйкалиб, қабр аҳлидан мадад ёхуд фарзанд сўраш каби номаъкул ишлар қилаётгани ҳам кузатилади. Мазҳаблар ичида энг мўътадили бўлган бизнинг ҳанафий мазҳабидагина қатъий шартлар асосида аёлларнинг қабристон зиёратига келишига рухсат берилган. Аёлларимиз қабристонга ёки зиёратгоҳга келганларида ана шу шарт ва одобларга риоя этишлари лозимдир.

Яхши англашимиз лозимки, айланиб тавоғ қилиш фақат Каъбатуллоҳга хосдир. Аммо фарзанд ва мадад сўраш эса фақат Яратганинг Ўзидан бўлиши лозим.

Бу ҳақда замонамизнинг етук уламоларидан бири Саъид Ҳавво (раҳматуллоҳи алайх) “Тарбиятуна рухия” номли китобида бундай ёзади: “Авлиёлар Аллоҳ таолонинг: “**Улар имон келтирган ва тақво қилган зотлардир**” деган сўзида зикр этилган. Уларнинг кароматлари шариат шартлари асосида ҳақдир. Эътиқод

шуки, улар ҳаётлик даврларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам ўзларига наф ва зарар келтира олмайдилар. Шундай экан, ўзгаларга ҳеч нарса бера олмасликлари турган гап. Ривоятларда келганидек, қабрларни зиёрат қилиш суннатдир. Аммо ким бўлишидан қатъи назар, қабрдагилардан мадад сўраш, уларга бу ҳақда нидо қилиш, улардан ҳожатларинираво қилишини сўраш, қабрларни силаш, уларнинг номи билан қасам ичиш гуноҳ саналади”.

Аллоҳ таоло бизларга ўтганлар ҳақига дуо қилишни буюрган. Улардан бирор нарсани сўрашга амр қилмаган. Қандай дуо қилиш ҳақида Ўзининг муборак Каломида таълим берган:

﴿ وَالَّذِينَ جَاءُو مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَغْفِرْ لَنَا وَلَا خَوَّنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا إِلَيْمَنْ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غُلَّا لِلَّذِينَ أَمْنَوْا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴾ ۱۰

«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Эй Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари имон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли Зотдирсан!”» (*Ҳашр*, 10).

Ҳар қандай қабр зиёратидан кўзланган мақсад, аслида, қалбни ғафлатдан уйғотиш, охират учун тайёргарликни кучайтириш, ҳаётнинг ҳикматини англашдир. Аммо бунга мувофиқ келмайдиган бошка ишлар динимизда ман қилинган.

Шунингдек, қабрлар бошига дараҳт ёки гул экиб, боққа айлантириб, сайр қиласидиган жойга ўхшатиш жоиз эмас, бу туфайли қабристон зиёратидан кўзланган мақсад унуглилади ва ўзга дин вакилларига тақлид қилишнинг бир кўринишига айланади.

Қабристон зиёратидан сўнг, албатта, ҳар бир зиёратчи ўлимни эсга олиши ва ўз умрини сарҳисоб қилиши лозим. Ибодати, амаллари кўзига яхши кўринган тақдирда ҳам, уларда бардавом бўлиши, афсусланишга сабаб бўладиган гуноҳларини сезса, тавбага юзланиши лозим. Қабристон зиёратидан асосий мақсад ҳам айнан шудир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Ка裡мов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай таъкидлаган эди: “Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган... Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган ҳалқ дунёда камдан кам топилади”.

Бугунги кунда жаннатмакон юртда яшаётган ҳар бир инсон бу юртнинг барча исломий ва дунёвий илмларга улкан ҳисса қўшган нақадар буюк юрт эканини теран англамоғи керак.

Бу табаррук замин илм уммонининг буюк сиймолари Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насоий, Имом Доримий каби буюк муҳаддислар, Бурҳониддин Марғиноний, Алоуддин Косоний, Абу Ҳафс Бухорий каби фақиҳлар, Абу Мансур Мотуридий, Имом Насафий

каби эътиқод илми устозларининг ватани эканини унутмаслигимиз лозим.

Қолаверса, бу жонажон юрт Исломнинг ажralmas руҳий тарбия қисми – тасаввуфдаги яссавия, нақшбандия ва кубровия каби тариқатларнинг асосчилари бўлган зотларнинг туғилиб ўсган муқаддас тупроғи бўлганини унутмаслигимиз керак.

Она юртимиз тупроқларида қўним топган валий зотлар – Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Сўфи Оллоёр, жумладан, Занги ота каби улуғ зотларнинг авлодлари эканимизни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Барча исломий илмлар қатори тасаввуф илми ҳам халқнинг ахлоқий тарбияси билан бир қаторда миллий қадриятлар ва ватанпарварлик каби фазилатларни мустаҳкамлаш йўлида буюк хизматлар қилганини англаб яшамогимиз лозим.

Ўз тарихида илм-фан, дин тамаддунига муносиб хисса қўшган аждодлари борлигини ҳис қилган ҳолда уларга муносиб авлод бўлиш учун интилиб яшаш лозимлигини унутмаслигимиз керак.

Муқаддас динимизни пухта ўрганиш билан бирга унинг мусаффо ғояларини ёш авлодга муносиб тарзда ўргатмоқ бурчимиздир. Инчунун, аждодларга лойиқ эҳтиром, динимиз буюрганидек муносабат, ўзгаларга нисбатан хурмат, мақбара ва қадамжоларга эътибор ва қолдирган буюк маънавий меросларини чуқур ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этиш орқали буюк аждодларга муносиб авлод эканимизни исботламоғимиз даркор.

Мундарижа

<i>Истиқлол йилларида буюк аждодларимизга</i>	
<i>бўлган эътибор</i>	3
<i>Тасаввуф тарихи ва мақсади</i>	6
<i>Яссавия тариқати ва Занги ота мақоми</i>	12
<i>Занги отанинг насабномаси</i>	14
<i>Занги ота Ҳимматий таваллудлари</i>	16
<i>Занги ота яшаган давр</i>	18
<i>Ватанпарварлик</i>	18
<i>Илму маърифатпарварлик</i>	19
<i>Ҳалоллик</i>	19
<i>Адлу инсоф</i>	20
<i>Художўйлик</i>	20
<i>Мол-дунёга берилмаслик</i>	20
<i>Қабристонни зиёрат қилиши одоблари</i>	30
<i>Хуоса</i>	35

Диний-маңрифий нашр

Хайруллоҳ ТУРМАТОВ

ҲАЗРАТИ ЗАНГИ ОТА

Мұхаррір Гулбахор АБДУЛЛОХ

Бадий мұхаррір Элнур НИЁЗ ўғли

Сағиғаловчы Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусақхұхча Зебо ОМОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: AI 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2015 йил 8 июнда берилди. Босишига 2015 йил 11 июнда
рухсат этилди. Офсет қозози. Қоғоз бичими 84 x 108 $\frac{1}{32}$.

Харф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Хисоб-нашриёт т.: 3,25. Шартли б. т.: 2,5. Адади: 2000 нұсха.
_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилған нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккүчә 47а-үй.

Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.

Тел: (8-371) 227-34-30

“Тошкент Ислом университети” нашриёт-матбаа

бирашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий күчаси 11-үй.

Тел: 244-00-91

Факс: 244-00-65

E-mail: *info@tiu.uz*